

## ЖАМИЯТ АХБОРОТЛАШУВИНИНГ ИЖТМОИЙ САЛБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдухолиқова Насиба Алижоновна

Наманган мухандислик-технология институти  
Ижтимоий фанлар кафедраси мустақил тадқиқодчиси

**Аннотация.** Ушбу мақолада жамият ахборотлашувининг ижтимоий-иқтисодий, маданий жиҳат ва хусусиятлари, унинг талаба ёшларга таъсири ёритиб ўтилган. Ахборотлашган жамиятга билим манбаи сифатида ёндашилган.

**Калит сўзлар.** Ахборот, Ахборотлашган жамият, ахборот қадрияти тобелик, интернет қарамлик.

## ПОЛОЖИТЕЛЬНЫЕ И ОТРИЦАТЕЛЬНЫЕ ЧЕРТЫ ПУБЛИЧНОЙ ИНФОРМАЦИИ

Абдухаликова Насиба Алижоновна

докторант кафедры Общественные науки  
Наманганского инженерно-технологического института

**Аннотация.** В данной статье описаны социально-экономические, культурологические аспекты и особенности публичной информации, ее влияние на студентов.

**Ключевые слова.** Информация, Информированное общество, Зависимость от ценности информации, Интернет-зависимость

## POSITIVE AND NEGATIVE FEATURES OF PUBLIC INFORMATION

Abdukhalikova Nasiba Alizhanovna

doctoral student of the Department of Social Sciences  
Namangan Engineering and Technological Institute

**Annotation.** This article discusses the socio-economic, cultural aspects and features of public information, its impact on student youth, and approaches the Informed Society as a source of knowledge.

**Keywords.** Information, Informed Society, Information Value Dependence, Internet Addiction.

тарихан ёзувнинг пайдо бўлиши билан ахборот тарқатиш, қабул қилиш ва сақлаш соҳасида улкан имкониятлар яратилди. Чунки, масофали онлайн алоқа қилиш учун ахборот субъектларининг ўзаро белги ёки сигналлари муҳим аҳамият касб этади. Маълумотни ўзга одамларга етказиш учун овозли сигнал ва чироқлар, ҳатти-ҳаракатлар билан онлайн билдириш имконияти шаклланган. Палеолит даврига оид қоятош тасвирларда ибтидоий одамларнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар қолдирилган. Шу маънода маълумотлар матнли, графикли, тимсолли ёки сигналли шаклларда ривож топган. Ёзувгача бўлган вақтда ибтидоий одамлар овоз чиқарувчи асбоблардан муайян хабарни етказган<sup>1</sup>. Шу боис ахборотни етказиш ва сақлашнинг илк шакли нутқнинг пайдо бўлиши билан бошланган. Натижада, инсон борлиқни ўзлаштиришда хабардорлик қуролига эга бўлиб, хўжалик юритиш имкониятлари енгиллашди. Айни вақтда маълумотларни тўплаш, уни хотирада сақлаш инсон дунёқарашини

<sup>1</sup> Муминов А. Ўзбекистон: ахборотлашган жамият сари. –Т.: Турон замин зиё. 2013. –164 б.

шакллантирди. Бу ҳол инсон турмуш тарзи, табиат ва ўз борлиғини ўзлаштиришга янги имкониятларни яратди.

Маълумотларни ёзма матнли шаклининг бир қатор ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд: маълумотни ўқиш муаммоси учун саводхонлик ҳам ижобий ва салбий, яъни бегоналарнинг ўқий олмаслиги, айни вақтда ўқий оладиган одамларнинг камлиги билан изоҳланади. Ёзма матнларни сақлаш ва муҳофаза қилиш муаммоси ҳам унинг ахборотини намлик ёки ёнғиндан сақлашни талаб этади. Ёзма матнлар айни вақтда ҳажм жиҳатидан кўп жойни эгаллаган. Ўрта асрларга келганда эса маълумотни етказишда элчилар давлатларнинг муносабатлари, хукмдорларнинг ижтимоий-сиёсий позициясини “онлайн” етказган. Ҳарбий аҳамиятга эга бўлган маълумотлар “почта қаптарлари” ёки олов ёқиш орқали шаҳарга етказилган. Шундай бўлса-да, нутқ ахборот ташувчи муҳим восита эди. Чунки, нутқ орқали одам у ёки бу гапга мазмун юклаб билимни етказди. Нутқ овоз белгиларида ўзгалар учун зарур хабар бўлиб, қабул қилувчи ижтимоий борликдаги муайян факт ҳақида маълумотга эга бўлади. Аналогик ахборот тарихига оид фикр-мулоҳазаларни республикаимиз илмий жамоатчилиги томонидан тадқиқ этилган<sup>2</sup>.

Инсоният тарихида ахборотлашувнинг учинчи босқичи телеграф ва телефон алоқасини ўрнатилиши билан бошланган, деб ҳисоблаш мумкин. 1950 йиллардан кириб келган Информатика фани инсоният тарихида улкан тараққиёт даврини бошлаб берди. Чунки, ахборотлашувнинг ўзига хос қонун-қоидалари, ижтимоий-маданий хусусиятлари бўйича қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш, таҳрирлаш ишида бекиёс ютуқларга эришди. Бу ҳол компьютер қурилмаси билан бевосита боғлиқ инсон тафаккурининг янги сарҳадини очди. Компьютер қурилмасининг кашфиёти билан инсон ахборотлашуви ҳаётнинг ҳамма тармоқларига кириб бордики, одамзод унинг ёрдамисиз ишлаб чиқариш ва ўз эҳтиёжларини қондира олмай қолди. У шахс ҳаётининг ажралмас таркибий қисми сифатида иккинчи хотира ролини ўйнамоқда.

Ахборотлашув кибернетика фани билан боғлиқ ҳолда электрон ҳисоблаш технологияси, бошқарув тизимининг автоматлаштириш билан ахборотлашув жараёнида янги сифат жиҳатларини шакллантиради. Ахборотнинг аниқлиги, объективлиги, чинлиги, актуаллиги, тушунарли бўлиши билан муайян маънавий эҳтиёжни қондириб, зарурий ахборот кадриятига айланади. Ахборотлашувда компьютер технологияларининг оммалашуви, шахсий электрон қурилмаларининг ривожини туфайли таълим тизими, айниқса мультимедиа технологиялари ёшларнинг маънавий-маърифий тарбиясида янги имкониятларни яратди. Компьютер талабалар билим доирасининг кенгайишидаги жиҳат ва хусусиятларига рус олимлари атрофлича батафсил таҳлил ва талқинларини очиқлантирган<sup>3</sup>.

Жамиятнинг ахборотлашув жараёни ҳар бир авлоднинг ўзига хос ижтимоий ва касбий янги ахборот муносабатларининг маданий тараққиёт кўрсаткичи сифатида муомалага киритмоқда. Айниқса, ахборотлашув жамият меҳнат ресурсларининг иқтисодиётда фойда олиш учун ўта иқтисодий имкониятларни беради. Фикримизча, компьютер технологияларининг шаклланиши ахборотларни сақлаш, узатиш ва қабул қилиш билан қоғозга бўлган эҳтиёжни жиддий тежамкорлигини таъминлади. Натижада, қоғоз ишлаб чиқаришда саноатнинг табиатдаги ўсимлик ва ҳом ашёга бўлган харажатларини жиддий қисқартирди.

Жамиятнинг ахборотлашуви жараёни таълим тизими ривожини белгилаши хусусида О. Д. Рахимов имконият маъносида қуйидагича гуруҳлаштиради:

“...жамиятнинг тизимли ва доимий равишда кенгайиб, ривожланиб бораётган илмий, ишлаб чиқариш ва инсониятнинг бошқа турдаги фаолияти давомида босма шаклда тўпланган интеллектуал салоҳиятидан кенг ва фаол фойдаланиш;

Фан таълим, ишлаб чиқаришни ахборот технологиялари асосида интеграциялаш орқали умумжамият ишлаб чиқариш барча соҳаларни жадал ривожлантириш, инсоннинг меҳнат фаолиятини жисмоний меҳнатдан ақлий меҳнат томон йўналтириш, инсоннинг барча фаолият турларини интеллектуаллаштириш;

<sup>2</sup> Турсунов Р. Б. Таълимда ахборот коммуникацион технологияларни қўллаш тенденциялари// Academic research in educational sciences volume. – 2020. – № 1. – Б.330. ( 324-331)

<sup>3</sup> Онков Л. С., Титов В. М. Компьютерные технологии в науке и образовании. – М.: Форум-Инфра. 2013. – С. 12. (– 224 с.)

Ахборот хизматининг юксак даражага кўтариш, жамиятнинг ҳар қандай аъсосини ишончли ахборотлар манбасига кириши, фойдаланиш имконининг чексизлиги, тақдим этилаётган материалларнинг визуаллаштириш, маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва ҳаётийлигини таъминлаш”да акс этади<sup>4</sup>.

Ахборот нисбий равишда дахлсиз бўлиб, ташувчининг шаклидан қатъий назар ўзининг мазмун моҳиятини сақлаб қолади. Ахборотни олиш кузатиш, табиий ҳолда, тажрибадаги ҳисобга кўра олинади. Шунинг учун ахборотни тажрибагача, тажриба вақти ва ундан кейинги бочқичларга бўлиш олимлар томонидан қабул қилинган: прагматик, семантик ва синтаксис жиҳатларини ажратиб кўрсатилган<sup>5</sup>.

Замонавий ижтимоий фанларда ахборотлашган жамиятнинг мазмун моҳияти аҳолининг турмуш тарзида электрон қурилма ва ўзга мобил алоқаларни кенг миқёсда қўллаш билан ижтимоий ҳаётга таъсир этади. Шу маънода биз муаммонинг тахлилида ахборотлашган жамиятнинг ёшлар ҳаётида ижтимоий тармоқларга қарамлигининг негизи сифатида ёндашиш илмий-услубий мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки ахборотлашган жамият одатда постиндустриал тарихий даврга хос цивилизация сифатида ахборот ва билимга асосланган ижтимоий муносабатларни ифодалайди.

Ахборотлашган жамият тушунчаси юзасидан узоқ тортишувлардан сўнг олимлар янги аср бошида компьютерлаштириш ва глобал ахборот маконини ифодалаш учун ахборотлашган жамият таклифи билан чиққан бўлса-да, унинг таърифи юзасидан яқдил фикрга келолмаган. Жумладан, муаммо молиявий жиҳатдан жамиятда билим, ахборот ва ахборот коммуникацияларининг ялпи ички маҳсулотда салмоғи, глобал ахборот маконида ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятига эришиш, жаҳон ахборот ресурсларидан эмин-эркин фойдаланишнинг бекиёс даражада ўсиши ахборот жамияти “Information society” маъносига таърифланган<sup>6</sup>.

Дарҳақиқат, постиндустриал жамиятни энг муҳим хусусияти “Билимлар жамияти” маъносига ҳам постиндустриал жамиятнинг ўзига хос ижтимоий тараққиётини белгилаб берувчи имконият таърифига мос тушади. Бизнинг ижтимоий тобелик билан боғлиқ муаммонинг ҳал этилишида инсоннинг ахборот ҳуқуқи, унинг билим ва кўникмалари, компьютерлашган жамиятда яшашга қобиллигининг тушунилиши иқтисодий ва маданий омил сифатида аҳамият касб этади. Билимлар жамияти, аслида “Илмий жамият” тушунчасининг ўзагида шахснинг ишончли ва тасдиқланган, объектив кенг қамровли ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириб, уни танқидий таҳлил ва сифатли ахборот тарқатишга ижтимоий жавобгарликни ўрнатилган ижтимоий тузум тушуниш мақсадга мувофиқдир. Шу боис, билимга асосланган жамият тушунчаси биринчисининг синоними сифатида қўлланилиш жамиятга ёндошувда икки услуб эканлигини қабул қилиш мумкин. Чунки ахборотлашган жамиятда энг муҳим ресурс маълумот ва билим бўлиб, ундан самарали фойдаланиш праксиологик кўникма ҳисобланади<sup>7</sup>.

Замонавий жамиятнинг ахборотлашуви иқтисодий йўналишда табиий равишда “ақли жамият” томон ривожланмоқда. Чунки, иқтисодий ахборотлар жамиятнинг мижоз ва шериклар билан бизнес фаолиятининг ташкили, айниқса маркетинг ва савдо тизимида назоратнинг вазифаларида янада яққол намоён бўлади. Иқтисодчи олимлар жамиятнинг ахборотлашувининг “CRM” тизими қуйидаги компонентларга эга бўлиши зарур деб ҳисоблайдилар:

- “- алоқа ва мижозлар базасини бошқариш;
- савдони бошқариш;
- телефон орқали савдо (телемаркетинг);
- вақтни бошқариш (тайм-менежмент);
- мижозларга хизмат кўрсатиш (сотувдан кейинги хизмат);
- юқори раҳбарият учун ҳисобот;

<sup>4</sup> Рахимов О.Д. Ахборотлашган жамият таълим тизимида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар – Қарши.: ТАТУ Қарши филиали. 2014. – Б. 6.

<sup>5</sup> История развития ИТ // <https://sites.google.com/site/inftehnology/it-kak-sistema/istoria-razvitia-it> (Дата обращения 06.12.2021)

<sup>6</sup> Информационное общество // [https://dic.academic.ru/dic.nsf/fin\\_enc/23453](https://dic.academic.ru/dic.nsf/fin_enc/23453) (Мурожаат санаси 07.12.2021)

<sup>7</sup> Информационное общество и общество знаний // <https://ifap.ru/projects/observ.htm> (Мурожаат санаси 07.12.2021)

- бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро боғланиш;  
- маълумотларни бир-бирига мослаштириш;  
- электрон савдони бошқариш (ташкilot веб-сайти билан боғланиш, мижозлар ва шериклар учун портал);

- мобил савдони бошқариш (компьютер, ноутбук ёки узокдан фойдалана олиш) кабиларни корхонанинг ахборот таъминотининг муҳим жиҳати сифатида маълумот омборини ҳосил этганлар<sup>8</sup>. Бизнинг тадқиқотларимиз талаба ёшларнинг таълим маърифатида соғлом ва жонли “устоз-шоғирд”, “маърузачи ва аудитория”нинг бевосита мулоқоти шаклининг ёшлар касбийлашувида ижобийлигини тасдиқлади. Боз устига, масофали таълимда талабаларнинг компьютер орқали онлайн ўқув машғулотларига туман ва қишлоқ хуудларидан кириши алоқа ва электр тармоғидаги узилишлар ўқув машғулотларининг ташкилини мураккаблаштирди. Шу маънода масофали таълимнинг ижобий томонларидан кўра салбий жиҳатлари ҳам намоён бўлди. Қолаверса, электрон қурилмалар орқали қабул килинган ёзма ишларнинг қабули талаба ёшлар билимининг назоратида натижадор усул эмаслигини кўрсатди. Шу билан бирга талабаларнинг умумий таълим савиясини юксалтиришдан кўра алоҳида электрон қурилмасига боғлиқ ҳолда талабаларнинг алоҳида қисми фанлар бўйича фаоллашуви ҳам кузатилди. Шу билан бирга биз онлайн таълим тизимида талаба ёшларнинг ўқув машғулотларида иштирокини тўла ва сифатли таъминлашда Интернет трафикларнинг арзонлаштириш заруратини тасдиқлади. Зеро, талаба ёшлар учун ўқув машғулотлардаги иштироки учун бепул трафикларга эҳтиёж борлигини таъкидлаб ўтиш даркор.

Жамиятни ахборотлашувининг ижтимоий-иқтисодий, маданий жиҳат ва хусусиятлари юзасидан куйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

Инсоният тарихи ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий тажрибаларни аждодлардан авлодларга етказиш, ижтимоий тараққиётни таъминлашда инсон учун муносиб турмуш шарт-шароитини ҳозирлашда ахборотга бўлган эҳтиёжни ортиб боришида билимларни тарқатиш, хабар қилиш, сақлаш, уни қайта ишлаш ва ўзга одамларга етказиш ижтимоий цивилизация даражасини коммуникация асосида шакллантирган;

Ахборот билимнинг муайян шакли бўлиб, у овозли нутқ асосида маълумот шаклига эга бўлган бўлса, ўзаро мулоқотда одамлар ахборот алмашуви онлайн ёки офлайн шаклларда юз берган. Онлайн шаклда овоз чиқарувчи қурилмалар, шартланган белгилар, имо-ишоралар асосида етказилган. Ёзувнинг кашф этилиши билан инсоният ахборот дунёси ахборот макони ҳосил бўлиб, хат орқали онлайн хабар бериш имкони туғилди. Натижада масофали ахборот жамиятни янги босқичини белгилаб берди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан ахборот технологияларининг беқиёс тараққиёти жамият ахборот даражасининг инқилобий ўзгартирди. Компьютерларнинг ахборот тизимига кириб келиши, интернет ахборот тизими инсониятнинг реал борлиғига муқобил виртуал ахборот дунёсини ҳам боғлади. Жамиятнинг ахборотлашуви ўз моҳиятига кўра ижтимоий-иқтисодий, сиёсий маданий ҳаётнинг барча соҳаларини ривожини белгилаб берувчи омил – ахборот билан боғлиқ. Компьютер ва Интернет жамиятни ахборотлашуви билан бирга инсон ҳаётига янги ахборот қадриятларини ҳам олиб кирди. Интернет глобал миқёсда компьютер орқали давлатлараро, миллатлараро чегарасиз маконда алоқага чиқиш, “бармоқлар билан ахборот дунёсига кириш” билан янги ижтимоий маконни яратади. Натижада, ахборот энг қиммат ва актуал бизнес шаклига айланиб улгурди.

### Адабиётлар рўйхати

1. Муминов А. Ўзбекистон: ахборотлашган жамият сари. –Т.: Турон замин зиё. 013. –164 б.
2. Турсунов Р. Б. Таълимда ахборот коммуникацион технологияларни қўллаш тенденциялари// Academic research in educational sciences volume. – 2020. – № 1. – Б.330. ( 324-331)
3. Онков Л. С., Титов В. М. Компьютерные технологи в науке и образовании. – М.: Форум-Инфра. 2013. – С. 12. (– 224 с.)

<sup>8</sup> Корхоналар ахборот-коммуникация технологиялар // [https://uza.uz/posts/korxonalarga-axborot-kommunikatsiya-technologiyalarini-zhalb-qilish-qay-darazhada-imkoniyat-yaratadi\\_297771](https://uza.uz/posts/korxonalarga-axborot-kommunikatsiya-technologiyalarini-zhalb-qilish-qay-darazhada-imkoniyat-yaratadi_297771) (Мурожаат санаси 08.12.2021)

4. Рахимов О.Д. Ахборотлашган жамият таълим тизимида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар – Қарши.: ТАТУ Қарши филиали. 2014. – Б. 6.
5. История развития ИТ // <https://sites.google.com/site/inftehnology/it-kak-sistema/istoria-razvitia-it> (Дата обращения 06.12. 2021)
6. Информационное общество // [https://dic.academic.ru/dic.nsf/fin\\_enc/23453](https://dic.academic.ru/dic.nsf/fin_enc/23453) (Мурожаат санаси 07.12.2021)
7. Информационное общество и общество знаний // <https://ifap.ru/projects/observ.htm> (Мурожаат санаси 07.12.2021)
8. Корхоналар ахборот-коммуникация технологиялар // [https://uza.uz/uz/posts/korxonalarga-axborot-kommunikasiya-texnologiyalarini-zhalb-qilish-qay-darazhada-imkoniyat-yaratadi\\_297771](https://uza.uz/uz/posts/korxonalarga-axborot-kommunikasiya-texnologiyalarini-zhalb-qilish-qay-darazhada-imkoniyat-yaratadi_297771) (Мурожаат санаси 08.12.2021)